

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ**192** Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни тартибга солиш чора-тадбирларини кучайтириш ва соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди**:

## 1. Қўйидагилар:

Янги маҳсус киритиладиган биологик актив моддаларни олиб кириш ва ишлаб чиқаришга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага\* мувофиқ;

Янги озик-овқат қўшимчаларини олиб кириш ва ишлаб чиқаришга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага;

Янги кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материаллар, полимер ва пластик массалар, парфюмерия-косметика воситаларини олиб кириш ҳамда ишлаб чиқаришга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмуни ва амалий аҳамияти тадбиркорлик субъектлари орасида кенг ёритилишига доир тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

---

\* 1 — 3-илвалар рус тилидаги матнда берилган.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 30 апрель,  
131-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 30 апрелдаги 131-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш  
хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. «Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи (тартиб-таомиллар)» устунининг 159-позициясидаги «хулоса» сўзи «рухсатнома» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 160-позицияда:

а) «Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи (тартиб-таомиллар)» устунисидаги «янги кимёвий моддалар, биологик воситалар, материалларни қўллаш» сўзлари «янги кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни олиб кириш ва ишлаб чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Содир этилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат зарур бўлган хатти-ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият» устунисидаги «Янги кимёвий моддалар, биологик воситалар, материалларни қўллаш» сўзлари «Янги кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни олиб кириш ва ишлаб чиқариш» сўзлари билан алмаштирилсин.